

Чилонзор: “ақлли туман” ва янгиланаётган маҳаллалар

➔ 1 Рақамли ечимлар солиқ тушумлари ва яширин иқтисодийётни аниқлаш, коммунал соҳа, реновация жараёнлари, туризм кўчалари, бозорлар, автотураргоҳлар ҳамда шаҳар ҳаётининг бошқа йўналишларини қамраб олган. Тақдимотда шаҳар бошқармалари раҳбарлари, масъул ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шавкат Умурзаков журналистларнинг рақамлаштириш, ҳудудий лойиҳалар ва пойтахтни ривожлантиришга оид саволларига жавоб берди.

Учрашувда инвестиция масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Пойтахт ҳокими Тошкент шаҳри учун 9 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси белгиланганини, Чилонзор тумани эса инвестиция кўрсаткичини 1 миллиард долларга етказишни мақсад қилганини таъкидлаб, “Бир неча йил аввал 1 миллиард долларлик инвестиция бутун бир вилоят учун юқори кўрсаткич ҳисобланар эди. Бугун Чилонзор тумани ўз олдига шундай маррани қўймоқда. Бунинг учун инвесторга аниқ лойиҳа, зарур инфратузилма ва барқарор ишбилармонлик муҳитини тақлиф қилишимиз керак” деди.



Хавфсизлик ва маҳаллаларни комплекс янгилаш

Кейинги манзил Ботирма маҳалласи ва Ал-Хоразмий кўчасидаги 24/7 гастрономик ҳудуд бўлди. Бу ерда 40 нафарга яқин маҳалла раиси иштирокида “Хавфсиз ҳудуд” лойиҳаси, “Долзарб 40 кун” доирасидаги ишлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ирригация тизимлари ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг топширигига мувофиқ, Чилонзор тумани хавфсиз муҳитни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш йўналишида Ички ишлар вазирлигига бириктирилган. Тадбирда Ички ишлар вазири туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Кўрилган комплекс чоралар натижасида жиноятчилик даражаси сезиларли камайгани кайд этилди.

Тадбирда шунингдек, болалар ва спорт майдончалари билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Шаҳар ҳокими маҳаллалар тўлиқ хатловдан ўтказилганини ва қайси



▼ Ал-Хоразмий кўчасида ташкил этилган 24/7 гастрономик ва туризм ҳудуди.

ҳудудда қандай объект етишмаслиги аниқланганини маълум қилди. Яқин вақтда махсус дастур қабул қилиниб, Чилонзорда болалар ёки спорт майдончаси бўлмаган маҳалла қолмаслиги мақсад қилинган. Айни пайтда Тошкентда 150 та маҳалла “қизил” тоифага киритилган. Жорий йилда уларнинг 125 тасини комплекс янгилаш, қолган 25 тасини эса келгуси йилда “сарик” тоифадаги 75 та маҳалла билан бирга ободонлаштириш режалаштирилган.

Булардан ташқари, Чилонзор туманида “Обод маҳалла” дастури доирасида 2023–2026 йилларда Ал-Хоразмий, Кўтарма, Оқтепа, Богзор, Бешчиноор, Кўркам ва Ботирма маҳаллаларида ишлар олиб борилди. Ушбу ҳудудларда 56 минг квадрат метрдан ортиқ яшил майдон барпо этилди, 97,6 минг квадрат метрга яқин ички йўл, 63 минг квадрат метрдан зиёд пиёдалар йўлагига ва қарийб 22 минг квадрат метр велоёйлак яратилди. Шунингдек, янги болалар, спорт ва жамоат маконлари ташкил этилди.

Ал-Хоразмий кўчаси: жамоат макони ва янги иқтисодий фаоллик

Ал-Хоразмий кўчасида ташкил этилган 24/7 гастрономик ва туризм ҳудуди тумандаги энг йирик жамоат макони лойиҳаларидан бирига айланди. Уни ривожлантиришга 35 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилиб, пиёдалар ва велосипед йўлаклари, ирригация, ёритиш, видеокўзатув, фавворалар ва дам олиш ҳудудлари барпо этилди. Кўчанинг 1,3 километр қисми кечаю кундуз фаолият юритиш режимида ривожлантирилмоқда.

Лойиҳа амалга оширилгандан сўнг ҳудудга ойлик ташрифлар сони 210 мингдан 1 миллион нафаргача ошди. Бу ерда 74 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, 28 та мавжуд корхона фаолияти кенгайтирилди ва 318 та иш ўрни яратилди. Аҳоли ва ҳайдовчилар учун 120 тадан ортиқ автотураргоҳ жойи ташкил қилинди.



юмушларини бажаряпмиз. Ишчи кучи, техника ва барча шароитлар яратилганлиги иш унумига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айтиш кераки, кўприксоэлар Ўзбекистон Автомобил йўллари қўмитаси ва Транспорт вазирлиги ташаббусига биноан қўрилаётган пиёдалар ўтқиш йўлини энг улук, энг азиз байрамга совға қилишга астойдил бел боғлаганлар.

Оқдарёда дастлабки йўл ўтказгич

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз” деган эзгу ғояга асосланган бунёдкорлик ва яратувчилик тобора авж олмоқда. Жойларда янги иншоотларни фойдаланишга топшириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўча, майдонларни тартибга келтириш ишлари жадаллик билан давом этяпти.

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жумладан, Оқдарё тумани марказидаги деҳқон бозори ва туман ички ишлар бўлими оралиғидаги чорраҳада ер ости пиёдалар ўтқиш йўлагига қурилиши қизғин давом этмоқда.

Ёш тадбиркор янги боғча ташкил қилди

“Фарзанд тарбиясига қаратилган ҳар бир сармоя – миллиат келажакига киритилган энг қимматли сармоядир”. Ушбу эзгу тамойил бугунги Янги Ўзбекистон тараққиётининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, ҳар бир болага сифатли таълим олиш имкониятини яратиш ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст туманидаги Сероб маҳалласи ёшлар етакчиси.

Мазкур ислохотларнинг амалий натижаси сифатида Чуст туманидаги Дўстлик маҳалласида тадбиркорнинг 1 млрд 200 млн сўм ўз маблаг ҳисобидан “Давр болажон” хусусий мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Лойиҳани амалга ошириш жараёнида бионинг мустақамлиги, қўлайлиги, энергисамарадорлиги ҳамда болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларига мос таълим муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги боғчада болаларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ гуруҳ хоналари, замонавий ўқув воситалари, musiқа ва санъат хоналари, спорт зали, тиббиёт хонаси, ошхона, дам олиш майдонлари ҳамда очик ҳаводаги ўйин майдончалари таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Ҳудуд ободонлаштирилган бўлиб, яшил майдонлар ва болалар учун хавфсиз сайр йўлаклари ташкил этилган.

Янги боғчанинг ишга туширилиши нафақат болалар учун қўлай таълим маскани, балки ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Муассасанинг фаолият бошлаши натижасида янги иш ўринлари яратилди, малакали педагоглар, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари ва техник мутахассислар иш билан таъминланди. Бу эса аҳолининг бандлигини ошириш ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

– Келажакни бугунги болалар бунёд этади, – деди ёш тадбиркор Саида Мирсаидова. – Шунинг

Жамоат транспорти қатнови қайта йўлга қўйилди

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати Зулфия Тўева томонидан Когон туманининг “Геофизика” МФЙ ҳудудида фуқаролар учун сайёр қабул ўтказилди. Қабул давомида аҳоли билан бевосита мулоқот қилиниб, уларнинг кундалик ҳаётидаги долзарб муаммолар тингланди.

Дилноза ШАРИПОВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят Кенгаши Партия ғояларини тарғиб этиш ва ахборот сиёсати бўлими бошлиғи.

Сайёр қабулда фуқаролар томонидан кўтарилган асосий масалалардан бири – “Хукуматобод” ва “Геофизика” МФЙларида жамоат транспорти қатновини тиклаш ва яхшилаш масаласи бўлди. Аҳолининг таъкидлашича, мазкур ҳудудлардан шаҳарга қатновчи автобустар ҳаракатининг бекор қилиниши ёки кескин камайиши кундалик ҳаётда жиддий нуқулйликларни юзага келтирган. Хусусан, аввал ушбу ҳудудлар орқали ҳаракатланган 6- ва 9-сонли автобус йўналишлари қатновининг бекор қилингани ёки сезиларли даражада камайгани сабабли аҳолининг шаҳар марказига бориб-келиши қийинлашган. Бу ҳолат ишга, ўқишга, тиббиёт муассасаларига, давлат ташкилотларига ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун шаҳарга қатнайдиган фуқаролар учун кўшимча муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

Маълумот ўрнида, “Хукуматобод” ва “Геофизика” МФЙлари шаҳар марказидан қарийб 12 километр узоқликда жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудларда 6 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу жиҳатдан, жамоат транспортининг мунтазам ва барқарор фаолият юртиши ушбу ҳудуд аҳолиси учун оддий транспорт муаммоси эмас, балки муҳим ижтимоий масалалардан биридир. Айниқса, эрталаб ва кечки пайтда ишга ҳамда таълим муассасаларига қатновчи фуқаролар, талабалар, кексалар, аёллар ва бошқа аҳолининг шаҳар билан транспорт алоқаси узлуқсиз бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Жамоат транспортининг мавжудлиги аҳолининг вақтини тежаш, ортиқча харажатларнинг олдини олиш ва шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фолқ иштирок этиш имкониятларини кенгайтиради.

Сайёр қабулда Фуқаролар томонидан билдирилган мурожаат депутатлар томонидан назорат олиниб, масалани жойида ўрганиш ва тегишли ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйиш бўйича амалий чоралар қўрилди. Мурожаатни ҳал этиш мақсасида Халқ депутатлари Когон туман Кенгаши депутати А. Асадов билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шундан сўнг, фуқароларнинг мурожаатлари асосида Бухоро вилоят Транспорт бошқармасига депутат сўрови юборилди. Сўровда ушбу маҳаллаларда яшовчи



аҳолининг жамоат транспортига бўлган эҳтиёжи, автобус қатновининг қамийиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда ҳудудга мунтазам транспорт қатновини йўлга қўйиш зарурати батафсил баён этилди.

Депутат сўрови – халқ вакилининг фуқаролар манфаатини тегишли давлат органлари олдида ифода этишнинг муҳим воситаларидан биридир. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг бундай фаолияти фуқаролар мурожаатларини шунчаки қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг амалий ечимини излаш ва натижасини назорат қилишга хизмат қилади. Кенгашларнинг депутат сўровлари билан боғлиқ тартиблари ҳам тегишли қўнулар асосида давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига мурожаат қилиш имконини назарда тутди.

Жамоат транспортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг ҳам муҳим йўналишларидан биридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “Жамоат транспорт тизимини ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-59-сонли қарори жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш, йўловчилар учун қўлай шароитлар яратиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда устуворлигини таъминлашга қаратилган. Мазкур қарорда жамоат транспортининг йўловчилар учун қўлайлигини ошириш, янги йўналишлар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Кейинги қарорлар билан ҳам жамоат транспортини комплекс ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатиш ҳамда соҳани молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича чоралар давом эттирилган.

Депутатларнинг мурожаатни ўрганишдан бошлаб, тегишли ташкилотта депутат сўрови юбориш ва масаланинг амалий натижасини кузатиб боришгача бўлган сай-ҳаракатлари ўз самарасини берди. “Хукуматобод” ва “Геофизика” маҳаллаларида жамоат транспорт қатновини йўлга қўйиш бўйича амалий ечимга эришилди.

Мазкур натижа, аввало, аҳолининг мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмаётгани, депутатлар томонидан фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларни жойида ўрганиш ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Саноат, экспорт ва меҳнат бозорига мос кадрлар

Оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда Шавкат Умурзаков пойтахт саноатини ривожлантириш вазифаси корхоналар сонини шунчаки кўпайтириш эмас, балки ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янгилашдан иборат эканини таъкидлади. Бунда локализацияни чуқурлаштириш, экспортбоп махсулот ишлаб чиқариш, янги технологияларни жорий этиш ва муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлаш устувор аҳамиятга эга.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, экспорт ҳажмини 294 миллион доллардан 336 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Жорий йилда яна 25 та корхона экспортчи мақомини олди. Ташқи бозорда рақобат қилиш учун махсулот сифати, нархи, технологик даражаси ва хорижий буюртмачи талабларига мослик ҳал қилувчи омил экани кайд этилди. Ишчи ташриф доирасида Савдо академияси фаолияти ҳам кўздан кечирилди. 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-78-сон қарор асосида ташкил этилган академияда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар дуал таълим модели асосида тайёрланмоқда. Тингловчилар назарий ва амалий машғулотлардан сўнг таълимни бевосита иш жойида давом эттиради. ИМтиҳондан муваффақиятли ўтган номзод ишга қабул қилиниб, биринчи кунданок унга иш ҳақи ҳисобланади.

Чилонзор фаоллари билан очик мулоқот

Ишчи ташриф Тошкент давлат иқтисодий университетига туман фаоллари билан очик мулоқот билан якунланди. Унда 400 нафарга яқин маҳалла раиси, фаоллар, мутасадди ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Чилонзорнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, “Долзарб 40 кун” доирасидаги ишлар, аҳоли мурожаатлари ва келгуси устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Туманда таълим ва тиббиёт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам аниқ натижалар кайд этилди. 101-, 103- ва 195 мактабларда жами 1 950 ўринли қўшимча ўқув бинолари фойдаланишга топширилди. 2024 йилда “Ташаббусли бюджет”нинг икки мавсуми доирасида тиббиёт муассасаларига 13 миллион 951 миллион сўм йўналтирилиб, улар замонавий ускуналар билан таъминланди. Қарийб 277 минг аҳоли истиқомат қиладиган Чилонзор тумани учун асосий вазифа алоҳида лойиҳаларни амалга ошириш билангина чекланмайди. Рақамли бошқарув, инвестиция, хавфсизлик, коммунал хизматлар, ободонлаштириш, тадбиркорлик ва ижтимоий инфратузилмани ягона ривожланиш тизимига бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш – замон талаби

Баҳром ТУЛАГАНОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори.



Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим тизимини халқаро мезонлар асосида ривожлантириш, замонавий билим ва касбий кўникмаларга эга, ички ва халқаро меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллай оладиган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз раҳбарлигида таълим соҳа-сида амалга оширилаётган кенг қўламли ис-лохотлар олий таълим муассасаларига янги имкониятлар яратиш билан бирга, уларнинг зиммасига катта масъулият ҳам юкламоқда. Тошкент архитектура-қурилиш университети жамоаси ҳам ушбу ислохотларнинг фаол ишти-рокчиси сифатида таълим сифатини ошириш, илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ёшла-римизга дунё миқёсида тан олинadиган таълим олиш имкониятини яратиш йўлида тизимли ис-лохотларни амалга ошириб келмоқда.

Университетимизда 2025-2026 ўқув йили-дан бошлаб Халқаро малакалар ва баҳолаш мар-кази билан ҳамкорликда Буюк Британиянинг Regulated Qualifications Framework – тартибга солинадиган малакалар тизими талабалари асо-сидаги интеграциялашган таълим дастурлари йўлга қўйилди. Мазкур дастурлар доирасида бакалаврият босқичида Ахборот хавфсизлиги, Бизнес бошқаруви ва Архитектура таълим йўна-лишлари, магистратура босқичида эса Бизнес-ни бошқариш, яъни МБА мутахассислиги бўй-ча кадрлар тайёрлаш бошланди.

Ушбу дастурларнинг ўқув жараёни Ўзбе-кистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Халқ-ро малакалар ва баҳолаш маркази томонидан 2025 йил 16 июлда тасдиқланган ўқув режалари асосида ташкил этилди. Таълим жараёнининг инглиз тилида олиб борилиши, машгулотларда замонавий педагогик технологиялар, лойиҳа ишлари, амалий топшириқлар, реал кейслар ва халқаро баҳолаш мезонларидан фойдаланили-ши талабаларнинг нафақат назарий билимла-рини, балки мустақил фикрлаш, муаммоларни таҳлил қилиш ва амалий қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ҳам ривожлантирмоқда.

Ўтган ўқув йилидаги дастабки қабул дои-расида мазкур дастурларга бакалаврият босқи-чида 33 нафар, МБА магистратура мутахассис-лигига 18 нафар, жами 51 нафар талаба қабул қилинди. Уларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш мақсадида ўқув жараёнига Буюк Британиядан жалб этилган 3 нафар хорижий профессор-ўқитувчи, хорижда таҳсил олган 2 нафар ҳамда хорижий давлатларда малака оширган 5 нафар маҳаллий мутахассис жалб этилди. Бугунги кунда машгулотлар 3 нафар хо-



рижий ва халқаро тажрибага эга 7 нафар маҳал-лий профессор-ўқитувчи томонидан замонавий таълим методлари асосида олиб боришмоқда.

Мазкур таълим дастурларининг энг муҳим жиҳати уларнинг халқаро меҳнат бозори та-лабларига мослиги ва амалиётга йўналтирил-ганлигидир. Талабалар дарс давомида назарий маълумотларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан, реал лойиҳалар устида ишлаш, касбий муаммоларни таҳлил қилиш, жамоада фаолият юритиш, ўз ҳолатини асослаб бериш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ҳам эгалламоқда. Талабалар билимини баҳолашда аъъанавий имтиҳонлар

билан бир қаторда лойиҳа ишлари, тақдимот-лар, ёзма таҳлиллар, амалий топшириқлар ва касбий портфолиолардан фойдаланилаётгани таълим самарадорлигини янада оширмоқда.

Интеграциялашган таълим тизимининг яна бир муҳим афзаллиги – халқаро академик мобиллик имкониятларининг кенглигидир. Дастур 1+3, 2+2, 3+1 ва 4+0 моделлари асосида ташкил этилган бўлиб, талаба ўзининг акаде-мик мақсади ва имкониятларидан келиб чиқиб, таълимнинг муайян қисмини Тошкент архи-тектура-қурилиш университетига, қолган қис-мини эса хорижий олий таълим муассасасида давом эттириши мумкин. Масалан, 1+3 моде-

лида талаба бир йил Ўзбекистонда ва уч йил хорижда, 2+2 моделида икки йил Ўзбекистонда ва икки йил хорижда, 3+1 моделида эса уч йил университетимизда ва якуний бир йилни хо-рижий олий таълим муассасасида таҳсил оли-ши мумкин. 4+0 модели орқали эса талабалар Ўзбекистондан чиқмаган ҳолда халқаро стан-дартларга асосланган таълим дастурини тўлиқ тамомлашга муваффақ бўладилар. Мазкур мо-делнинг тегишли талабларини бажарган тала-балар ҳамкорлик келишувлари асосида нуфузли Хертфордшир университети дипломини олиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Айниқса, 4+0 моделининг жорий этилиши халқаро таълим олиш истагида бўлган, бироқ хорижда яшаш ва ўқиш билан боғлиқ юқори харажатларни қоплаш имконияти чекланган оилалар фарзандлари учун катта имконият яратмоқда. Бу модел орқали ёшларимиз ўз он-ласи бағрида, хавфсиз ва таниш муҳитда яшаган ҳолда халқаро стандартларга мос таълим олиши мумкин. Ушбу имконият, айниқса, аҳолининг ўрта қатламига мансуб оилалар фарзандлари ҳамда қизларимизнинг халқаро таълимдан фойдаланиш имкониятларини сезиларли дара-жада кенгайтиради.

Интеграциялашган таълим дастурининг аъъанавий қўшма таълим дастурларидан фарқ-ли жиҳати шундаки, у фақат битта ҳамкор хо-рижий университет билан чекланиб қолмай-ди. Университет халқаро миқёсда тан олинган таълим ва малакалар тизими билан ҳамкорлик қилгани сабабли талабалар ўзининг академик мақсадлари, танлаган мутахассислиги, молия-вий имкониятлари, таълим сифати ва универ-ситетлар рейтингидан келиб чиқиб, хорижий олий таълим муассасасини мустақил танлаш имкониятига эга бўлади. Натижада улар Буюк Британия, Малайзия, Австралия, Италия ва бошқа давлатлардаги мазкур таълим тизимини тан олган нуфузли университетларга ўқишини кўчириш, исталган босқичдан таълимни давом эттириш ёки университетимизда ўқишни тўлиқ якунлаш имкониятига эга бўладилар.

Бугунги кунга қадар Халқаро малакалар ва баҳолаш маркази қўмағида Буюк Британиянинг нуфузли Нортумбрия, Хертфордшир ва Вулвер-хемптон университетлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Мазкур олий таълим муассасалари раҳбарлари ва вакиллари уни-верситетимизга бир неча бор ташиф буюрди. Таширлар давомида таълим дастурларини тақомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, талабалар академик ал-машинувини ривожлантириш, қўшма илмий тадқиқотлар ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Келгусида ҳамкор хорижий университетлар сонини ошириш, янги халқаро дастурларни жо-рий этиш ва хорижий профессор-ўқитувчилар иштирокини янада кенгайтириш режалашти-рилган.

Давоми келгуси сонда



“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “Lombard Shokir invest” МЧЖнинг 2026 йил 10 августдаги 88-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариал идоранинг 2026 йил 25 июндаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	2816	Сирға 1 жуфт, у.о. 6.32 гр., с.о. 3.32 гр., пр. 585	1581 987,36
2.	3085	Узук 1 дона, у.о. 2.05 гр., с.о. 1.95 гр., пр. 585	1265 577,79
3.	3087	Сирға 2 жуфт нуқсонли, узук 2 дона нуқсонли, у.о. 8.62 гр., с.о. 8.20 гр., пр. 585	2 189 116,14
4.	3255	Узук 1 дона, у.о. 1.66 гр., с.о. 1.66 гр., пр. 585	1412 170,00
5.	3281	Узук 1 дона, у.о. 3.95 гр., с.о. 3.95 гр., пр. 585	2 801 562,36
6.	3358	Узук ва сирға 1 та тўплам нуқсонли, у.о. 5,64 гр., с.о. 3,84 гр., пр. 585	3 232 805,09
7.	3415	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 8,42 гр., с.о. 8,42 гр., пр. 750; узук 1 дона, у.о. 2,50 гр., с.о. 2,50 гр., пр. 585	6 713 886,24
8.	4205	Узук 1 дона, у.о. 3,56 гр., с.о. 3,26 гр., пр. 585	2 613 060,00
9.	4420	Узук 1 дона, у.о. 2,19 гр., с.о. 2,00 гр., пр. 585	1 658 343,36
10.	5193	Занжир 1 дона, у.о. 7,68 гр., с.о. 2,74 гр., пр. 585/500	6 897 480,00
11.	5422	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 3,03 гр., с.о. 3,03 гр., пр. 585	2 671 640,00
12.	5511	Билагузук 1 дона, у.о. 3,10 гр., с.о. 3,10 гр., пр. 585	2 659 520,00
13.	5545	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,18 гр., с.о. 3,18 гр., пр. 585	2 891 780,61
14.	5692	Узук 1 дона, у.о. 3,39 гр., с.о. 3,19 гр., пр. 585	2 594 132,60
15.	5693	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,52 гр., с.о. 3,52 гр., пр. 585	2 861 033,99
16.	5793	Узук 1 дона, у.о. 2,84 гр., с.о. 2,74 гр., пр. 585	1 717 876,80
17.	6007	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,62 гр., с.о. 4,42 гр., пр. 585	3 908 385,00
18.	6099	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 5,53 гр., с.о. 5,53 гр., пр. 585	4 448 028,00
19.	6254	Узук 2 дона, у.о. 3,60 гр., с.о. 3,00 гр., пр. 585	2 126 242,08
20.	6323	Узук 1 дона, у.о. 1,98 гр., с.о. 1,98 гр., пр. 585	1 612 190,40
21.	6495	Кулон 1 дона, у.о. 1,35 гр., с.о. 1,35 гр., пр. 585	1 204 909,92
22.	6568	Узук 1 дона, занжир 1 дона, у.о. 11,40 гр., с.о. 11,00 гр., пр. 585; узук 1 дона, у.о. 2,46 гр., с.о. 2,10 гр., 750 НП	23 190 800,00
23.	7161	Занжир 1 дона, узук 1 дона, у.о. 4,47 гр., с.о. 4,17 гр., пр. 585	4 166 149,12
24.	7181	Узук 2 дона, у.о. 6,67 гр., с.о. 5,90 гр., пр. 585	5 720 062,40
25.	7216	Сирға 1 жуфт, у.о. 5,77 гр., с.о. 4,57 гр., пр. 585	4 628 616,00
26.	7540	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 7,86 гр., с.о. 7,26 гр., пр. 585	6 228 153,00
27.	7545	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,41 гр., с.о. 2,21 гр., пр. 585	2 159 972,38
28.	7796	Узук 1 дона, у.о. 2,59 гр., с.о. 2,40 гр., пр. 585	2 607 000,00
29.	7812	Узук 1 дона, у.о. 5,05 гр., с.о. 4,15 гр., пр. 585	4 089 526,48
30.	8065	Билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,48 гр., с.о. 2,48 гр., пр. 585	1 667 700,00
31.	8176	Узук ва сирға 1 та тўплам, қолъе 1 дона, у.о. 9,55 гр., с.о. 7,65 гр., пр. 585	6 123 752,94
32.	8189	Сирға 1 жуфт, у.о. 5,71 гр., с.о. 4,71 гр., пр. 585	2 485 800,00
33.	8190	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,65 гр., с.о. 1,60 гр., пр. 585	1 576 800,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
34.	8245	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,00 гр., с.о. 3,00 гр., пр. 585	3 379 650,00
35.	8289	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,79 гр., с.о. 3,79 гр., пр. 585	4 243 200,00
36.	8372	Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 1,08 гр., с.о. 1,08 гр., пр. 585	1 243 500,00
37.	8389	Билагузук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 10,75 гр., с.о. 9,75 гр., пр. 585	10 833 450,00
38.	8486	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,81 гр., с.о. 2,21 гр., пр. 585	2 485 800,00
39.	8554	Узук 1 дона, у.о. 3,19 гр., с.о. 2,89 гр., пр. 585	2 667 600,00
40.	8556	Узук 1 дона, у.о. 1,83 гр., с.о. 1,60 гр., пр. 585	1 425 300,00
41.	8574	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 7,70 гр., с.о. 7,50 гр., пр. 585	8 242 800,00
42.	8618	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 12,42 гр., с.о. 12,42 гр., пр. 585	13 090 800,00
43.	8792	Узук 2 дона нуқсонли, 1 дона нуқсонли занжир, у.о. 14,15 гр., с.о. 12,95 гр., пр. 585	14 757 300,00
44.	8891	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,07 гр., с.о. 1,07 гр., пр. 500; сирға 1 жуфт, у.о. 1,72 гр., с.о. 1,52 гр., пр. 585	2 798 900,00
45.	8920	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 1 дона, у.о. 13,35 гр., с.о. 12,05 гр., пр. 585	13 393 800,00
46.	8921	Кулон 1 дона, у.о. 2,61 гр., с.о. 2,59 гр., пр. 585	2 788 800,00
47.	8925	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,93 гр., с.о. 3,73 гр., пр. 585	3 906 870,00
48.	8932	Узук 1 дона, у.о. 8,43 гр., с.о. 7,43 гр., пр. 585	8 273 100,00
49.	8935	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,15 гр., с.о. 2,05 гр., пр. 585	2 334 300,00
50.	8991	Узук 2 дона, у.о. 8,53 гр., с.о. 7,03 гр., пр. 585	7 149 081,50
51.	9128	Кулон 1 дона, у.о. 7,01 гр., с.о. 7,01 гр., пр. 750; қолъе 1 дона, узук 1 дона, билагузук 2 дона нуқсонли, у.о. 28,54 гр., с.о. 27,84 гр., пр. 585	25 816 800,00
52.	9136	Билагузук 1 дона, занжир 2 дона, кулон 2 дона, у.о. 35,50 гр., с.о. 25,00 гр., пр. 585	28 468 050,00
53.	9137	Билагузук 2 дона, узук 1 дона, қолъе 1 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 21,49 гр., с.о. 18,24 гр., пр. 585	20 741 550,00
54.	9311	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 3,24 гр., с.о. 3,24 гр., пр. 585	3 743 250,00
55.	9461	Сирға 1 жуфт, у.о. 2,23 гр., с.о. 2,23 гр., пр. 585	2 591 850,00
56.	9521	Занжир 1 дона, узук 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 20,82 гр., с.о. 17,52 гр., пр. 585	19 968 900,00
57.	9580	Узук 3 дона, сирға 1 жуфт, кулон 1 дона, у.о. 29,14 гр., с.о. 27,13 гр., пр. 585	27 331 305,10
58.	9591	Занжир 1 дона, у.о. 4,73 гр., с.о. 4,73 гр., пр. 585	5 103 114,00
59.	9674	Узук 2 дона, узук ва сирға 1 та тўплам, у.о. 7,00 гр., с.о. 6,20 гр., пр. 585	5 722 143,00
60.	9935	Занжир 2 дона, у.о. 20,17 гр., с.о. 20,17 гр., пр. 585	17 635 800,00
61.	10016	Узук 1 дона, у.о. 2,19 гр., с.о. 2,00 гр., пр. 585	2 334 300,00
62.	10142	Билагузук 1 дона, у.о. 3,14 гр., с.о. 3,14 гр., пр. 585	3 408 435,00
63.	10346	Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 3,72 гр., с.о. 3,22 гр., пр. 585	3 697 800,00
64.	10369	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,32 гр., с.о. 3,12 гр., пр. 585	3 606 900,00
65.	10385	Узук 1 дона, у.о. 1,73 гр., с.о. 1,73 гр., пр. 585	2 016 150,00
66.	10405	Узук 1 дона, у.о. 3,33 гр., с.о. 3,33 гр., пр. 585	3 834 150,00
67.	10406	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,42 гр., с.о. 3,42 гр., пр. 585	3 319 050,00

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
68.	10852	Сирға 1 жуфт, у.о. 4,89 гр., с.о. 3,89 гр., пр. 585	4 303 800,00
69.	10905	Сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 0,91 гр., с.о. 0,91 гр., пр. 585	879 900,00
70.	10927	Узук 1 дона, у.о. 4,53 гр., с.о. 4,53 гр., пр. 585	5 197 650,00
71.	10963	Узук 1 дона, у.о. 2,00 гр., с.о. 2,00 гр., пр. 585	2 334 300,00
72.	10974	Узук 1 дона, у.о. 2,17 гр., с.о. 1,87 гр., пр. 585	2 182 800,00
73.	11007	Сирға 1 жуфт, у.о. 3,72 гр., с.о. 3,72 гр., пр. 585	4 288 650,00
74.	11240	Узук 1 дона, у.о. 2,05 гр., с.о. 1,95 гр., пр. 585	1 576 800,00
75.	11248	Узук 1 дона, у.о. 2,53 гр., с.о. 2,53 гр., пр. 585	2 940 300,00
76.	11396	Сирға 1 жуфт, у.о. 1,59 гр., с.о. 1,59 гр., пр. 585	1 864 650,00
77.	11456	Узук 1 дона, билагузук 1 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 7,76 гр., с.о. 7,36 гр., пр. 585	8 394 300,00
78.	11488	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 4,39 гр., с.о. 4,00 гр., пр. 585	4 606 800,00
79.	11664	Сирға 1 жуфт, у.о. 5,76 гр., с.о. 5,16 гр., пр. 585	5 924 850,00
80.	11746	Занжир 1 дона, у.о. 22,90 гр., с.о. 22,90 гр., пр. 585	26 074 350,00
81.	12043	Сирға 2 жуфт, у.о. 9,21 гр., с.о. 5,41 гр., пр. 585	6 121 800,00
82.	12062	Занжир 1 дона, кулон 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 8,24 гр., с.о. 7,14 гр., пр. 585	8 167 050,00
83.	12122	Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 3,69 гр., с.о. 3,69 гр., пр. 585	3 091 800,00
84.	12163	Узук 1 дона, у.о. 1,13 гр., с.о. 1,00 гр., пр. 585	1 198 050,00
85.	12230	Занжир 1 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 16,20 гр., с.о. 14,80 гр., пр. 585	15 590 550,00
86.	12323	Узук 1 дона, у.о. 4,17 гр., с.о. 4,17 гр., пр. 585	4 788 600,00
87.	12356	Узук 4 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт, у.о. 19,27 гр., с.о. 18,87 гр., пр. 585	21 499 050,00
88.	12478	Узук 1 дона, у.о. 5,59 гр., с.о. 5,54 гр., пр. 585	6 121 800,00
89.	12553	Қолъе 1 дона нуқсонли, билагузук 1 дона нуқсонли, узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 19,00 гр., с.о. 18,60 гр., пр. 585	21 196 050,00
90.	12635	Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 6,64 гр., с.о. 6,50 гр., пр. 585	7 439 850,00
Жами бошланғич баҳоси			571 843 608,66

Аукцион савдолари 2026 йил 15 сентябрь кунни соат 11.00 дан бошлаб ўткази-лади. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати: 2026 йил 11 сентябрь кунни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қили-нади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари 2026 йил 15 сентябрь кунни сотилмаган тақ-дирда, такрорий савдолар 2026 йил 30 сентябрь кунни соат 11.00 дан бошлаб ўткази-лади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишининг охири мuddати бир иш кун аввал соат 16.00 гача.

Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқ-дорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмасор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

Ташаббускор касб эгаси



Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Мирзаҳмад Ҳамдамов 1960 йил 12 октябрда Тошкент шаҳрида ишчилар оиласида таваллуд топган. Қурилиш соҳасига бўлган қизиқиши туфайли 1984 йилда Тошкент политехника институтининг қурилиш инженер-технолог мутахассислиги бўйича ўқишга қиради.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида
Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Олий таълимни тамомлаган Мирзаҳмад Ҳамдамов ўз иш фаолиятини Тошкент 2-ўйсозлик комбинатининг 2-ўйсозлик заводиди уста сифатида бошлайди. Шундан сўнг, қатор йил-


лар давомида Тошкент 2-ўйсозлик комбинати 60-қурилиш бошқармасида уста, иш юритувчи, катта иш юритувчи, бош муҳандис вазифаларида ишлаган. Сўнгра, Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасида муҳандис, Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг капитал қурилиш бўлимида муҳандис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Қурилаётган бино ва иншоотлар дирекциясида Лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш техник кузатиш бўлимининг 1-тоифали муҳандиси, бош муҳандис, етакчи мутахассис, Бирламчи руҳсат берувчи лойиҳа танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи каби масъулиятли вазифаларни бажариб, соҳада катта тажриба ортирди.

Мирзаҳмад Ҳамдамов ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Қурилаётган бино ва иншоотлар дирекцияси бош мутахассиси лавозимида ишлаб келмоқда. Лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш техник кузатиш бўлими ишлари назорати ҳамда лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишларининг сифатини назорат қилади. Шунингдек, объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш масалалари билан шуғулланиб келмоқда.

М. Ҳамдамов қурилиш соҳасидаги 43 йиллик фаолияти давомида кўплаб йирик лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этган. Хусусан, “Чорсу” мавзесидаги 9 қаватли уйлар, “Қизил шарк”, “Тулистон”, “Алгоритм”, Чилонзор мавзелари ҳамда Усмон Юсупов ва Амир Темуր кўчасидаги 9 қаватли уйлар қурилишида бевосита қатнашган. Булардан ташқари, Ислон Каримов кўчасида жойлашган биноларни реконструкция қилиш, Олий Мажлис Сенати биноси, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги “Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси” биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, “Қайнарсой” қароргоҳи хавфсизлик тизимини такомиллаштириш, Тошкент шаҳар Мустақиллик майдонида жойлашган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган маъмурий биноларни реконструкция қилиш ва бошқа давлат тасаруфидоги ёпиқ турдаги қурилиш объектиларини қуриш ва фойдаланишга топширишда катта хисса қўшган.

Малакали мутахассис, фахрий устоз дирекциянинг профессионал ходимларидан ҳисобланади. Талабчан, ўзига юклатилган ҳар бир вазифани сидқидилдан бажаради.

Ўз соҳасининг пухта билимдони, фидойи ва жонқуяр инсон сифатида шоғирдлари, ҳамкасблари ва жамоаддошлари ўртасида ҳурмат қозongan устозга биз ҳам узоқ умр тилаймиз.



Абдулазизхон мадрасаси тарих, санъат ва маънавият уйғунлигининг тирик гувоҳи

Бухоро асрлар давомида Марказий Осиёнинг илмий, маданий ва маънавий марказларидан бири сифатида шаклланган шаҳардир. Унинг бетакрор меъморий қиёфасини белгилаб турган обидалар орасида Абдулазизхон мадрасаси алоҳида ўрин тутadi. У нафақат тарихий ёдгорлик, балки ўз даврининг сиёсий, ижтимоий ва эстетик қарашларини мужассам этган ноёб меъморий иншоотдир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Абдулазизхон мадрасаси 1652 йилда аштархонийлар сулоласининг вакили Абдулазизхон фармони билан меъмор Мимхоҳон ибн Хўжа Муҳаммадамин томонидан барпо этилган. Ушбу мадраса Бухоронинг марказий қисмида, Улугбек мадрасаси қаршиида жойлашган бўлиб, икки давр – Темурийлар ва Аштархонийлар меъморчилик мактаблари ўртасидаги бадий мулоқотни намоён этади. Бу ҳолат мадрасанинг нафақат архитектурасида, балки унинг маънавий-тарихий аҳамиятида ҳам яққол сезилади.

Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш тартиби қандай?



Қурилиш объектиларида қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин объектнинг хавф-хатар тоифаси ва ҳажмидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда Инспекциядан рухсатнома олиш талаб этилади.

Қайси объектиларга Инспекциядан рухсатнома олиш талаб этилади?

- Икки қаватдан банд бўлган объектилар;
- Ер юзасидан бандлиги 12 метрдан ортиқ бўлган объектилар;
- Умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойлар;
- Ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлган нотура бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектилари.

Белгиланган тартибда рухсатнома олмастан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш қонунчилиқа белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Изоҳ: *икки қаватдан юқори бўлмаган (цокол қаватини инобатга олмаган ҳолда), бандлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган (ёрдамчи ҳўжалик иморатларини инобатга олмаган ҳолда) якка тартибдаги уй-жойлар, шунингдек, ҳажми 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган нотура бино ва иншоотларни қуриш учун рухсатнома Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан берилади.*

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориши тартибида ўтказиладиган
электрон-онлайн очиқ аукцион савдога
таклиф этади!

Фаргона туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 15 апрелдаги 4-1503-2501/984-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган “INNOVABLOCK” МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 12 августдаги 108-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги мулккий мажмуаси электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

Тошкент вилояти Охангарон тумани, “Убайд” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 449-уй манзилида жойлашган “INNOVABLOCK” МЧЖга тегишли **умумий ер майдони** – 20 000,00 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 200,46 квадрат метр, **кадастр рақами:** №1084102.01.0487 бўлган бино-иншоотлар ва бошқа асосий воситалар мулккий мажмуа сифатида. **Бошланғич нархи** – 5 162 649 325,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 15 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 14 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 15 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш охириги савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фаргона вилояти Фаргона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.
Телефон: 91-117-87-53, 90-407-07-62.

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориши тартибида ўтказиладиган
электрон-онлайн очиқ аукцион савдога
таклиф этади!

Фаргона туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 15 октябрдаги 4-1502-2501/8772-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган “STAR METAL” МЧЖ суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 7 августдаги 257-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги мулккий мажмуа электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

Фаргона вилояти, Учқўприк тумани, “Тожиқ” МФЙ, Тожиқ қишлоғи (“Қўқон” эркин иқтисодий зонаси)да жойлашган “STAR METAL” МЧЖга тегишли, **умумий ер майдони** – 10 000,00 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 555,84 квадрат метр, **кадастр рақами:** №1512.08.01.19.01.05 бўлган **автотранспорт воситалари учун аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш цехи** бино ва иншоотлари мулккий мажмуа сифатида. **Бошланғич нархи** – 2 922 556 416,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 15 сентябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 14 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 15 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиши қарорига асосан, online-mulk.uz, online-mulk.uz платформаси орқали 15 кунлик қисқартирилган такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш охириги савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдосида рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фаргона вилояти Фаргона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 90-586-44-72, 97-502-44-72, 90-407-07-62.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 14 – 17 август
саналарида
таваллуд айёмларини
нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Стратегик режалаштириш ва ахборот-таҳлил бошқармаси бош мутахассиси **Нодир Ходжаев**, Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси **Шерали Қўчқоров**, Котибиёт етакчи мутахассиси **Азим Мелибоев**, Шаҳарсозликда имконияти чекланган шахслар манфаатлари таъминланишини мувофиқлаштириш, энергия самарадорлик ва экологик дипломатия бўлими бош мутахассиси **Давронхон Очиллов**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси бошқармаси бошлиғи **Жамшид Раджабов**, Бино ва иншоотлар қурилиши бўйича етакчи мутахассис **Дилфуза Абдурахмонова**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Иzzатилло Раҳмонов**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси “Навоий” филиали бош мутахассиси **Одил Эшннёзов**,

“Ўзоғирсаноятлойиҳа” АЖ УПРО умумий масалалар бўйича директори **Уткир Қўчқоров**, ВК муҳандиси **Суннатилла Илҳомов**,

“O'zshaharsozlik LITI” “Бухоро” филиали етакчи архитектори **Фазлиддин Худойбердиев**, смета ва нархларни шакллантириш бўлими бошлиғи ўринбосари **Ҳожиакбар Икромов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп квартиралли уйларни бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўлим бошлиғи **Руслан Калжанбаев**, Давлат хизматларини кўрсатиш бўлими бош мутахассиси **Сардор Сабиров**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ Ижро ва бошқарув аппарати раҳбари **Шавкатжон Маҳмудов**, хайдовчи **Баҳодир Зуфаров**, Самарқанд вилояти филиали етакчи мутахассиси **Шухрат Абдурахмонов**, Насос қурилмалари машинистси **Толіб Келдияров**, Қашқадарё вилояти филиали геология локал қозонхона бошлиғи **Фарҳод Қурбонов**, Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар филиали бошлиғи **Абдурахим Раҳмонов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Камал Авезов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақам соғлиқ тилаймиз!

O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиiddин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Бобир Ёлмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жамалов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райхона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Муҳассиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Наشرіёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланади.

“Ўзбекистон бунёдкори” Наشرіёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзТАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвст” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорантМЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фаргона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 841. 1261 нусхада босилди. Қўғоғ бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган рўйхатга тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” наشرіёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни – 0020 Топширилди – 0110.